



# Имом аш-Шайхоний САБОҚЛАРИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-АДАБИЙ ЖУРНАЛ

1/2001

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ер ўлуниг бир-бирингизтаки, эрур ерлиг иш.

Э.Воҳидов. Навоий газалига муваззамас.....	1
З.Мунавваров. XXII асрга интилиб...	4
<i>Абадий барҳаёт Китоб</i> Е.М.Резван. Катта Лангар Қуръони .....	6
<i>Муҳаддислар султони</i> Аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборақфурий. «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» .....	10
<i>Ҳадисларнинг улуғ ҳикмати</i> Ҳадислар - эзгуликка етаклар .....	14
<i>Муборақ ҳадислар оламида</i> Т.Содиқова. Жуфтлик фалсафаси ёхуд шаръий бирлик .....	15
<i>Мовароуннаҳрлик буюк алломалар</i> А.Нуриддин, Н.Жабборов. Улуғ мутафаккир .....	19
<i>Буюк муҳаддислар</i> О.Қориев, Э.Усмонов. Имом ан-Насоий .....	27
<i>Бизнинг мулоқот</i> Навоий - олдимиздаги юксак чўқди Узбекистон халқ шоғри Эркин Воҳидов билан сўхбат .....	30
<i>Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига</i> О.Шарафиддин. Мангу барҳаёт даҳо .....	35
А.Ҳайитметов. Исломий эътиқод ва буюк ижод маҳсули .....	40
Алишер Навоий. Ҳамдлар. «Ҳайрат ул-аброр»дан .....	43
Ш.Сироҷиддин. Истефо эҳтиёжи .....	45
Навоий газалларида Оллоҳ мадҳи.....	51
Алишер Навоий. Ҳамдлар «Наводир уш-шабоб»дан .....	53
Алишер Навоий. Ҳикматлар.....	56
<i>Сиз нима дейсиз?</i> М.Нурматова. Навоийни билиш - муқаддас бурчимиз.....	60
<i>Акс садо</i> М.Муҳаммедова, Б.Насриддин, Ф.Муҳаммедова .....	62
<i>Адабиёт саҳифаси</i> М.Юсуф. Шеърлар .....	65
Қ.Каримова. Шеърлар .....	66
<i>Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 518 йиллигига</i> Ҳ.Ҳасанов. Бобуршоҳнинг фикрӣ асари .....	67
М.Иномхонов. Бобуршоҳнинг кабулгарлари .....	69
<i>Оталар сўзи - ақлнинг кузи</i> А.Ҳожиаҳмедов. Бир оғиз ширин сўз... ..	73
<i>Замонамизнинг буюк уламолари</i> А.Турсун. Алломи жаҳон, фозилу нуқтадон .....	78
А.Юнус. Ибратли умр .....	82
М.Меликзода. Устозга эҳтиром .....	83
С.Муҳиддин. Меҳрибон устоз .....	84
А.Иброҳимов. Яхши одам эдилар .....	85
<i>2001 йил - оналар ва болалар йили</i> П.Мўмин. Она билан бола - гул билан лола .....	86
<i>Туркистон - жаҳон цивилизацияси бешиги</i> А.Мўминов. Мовароуннаҳр ҳанафий фикри .....	88
С.Азизов, Н.Жабборов. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида фалакий атамалар талқини .....	92
З.Ғойибов. Термиз - мардлар шаҳри .....	95
<i>Наврӯз муборақ</i> .....	100

# АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 560 ЙИЛЛИГИГА



**Шухрат  
Сирожиддинов,**  
филология фанлари  
доктори,  
манбашунос

## Истеъфо эҳтиёжи

Алишер Навоий ҳақидаги адабиётларда улуғ шоир ва давлат арбобининг фалсафаси, унинг диний ва дунёвий машғулотларга муносабати анча кенг ёритилган. Шу билан бирга, айна пайтларгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган айрим жиҳатлар ҳам борлиги аён бўлмоқда. Хусусан, навоийшуносликда шоир амирликдан 1476 йилда истеъфога чиққан деган фикр қатъий суратда қабул қилинган. Бу фикр ҳозирги давргача чоп этилаётган дарсликларда очиқ-ойдин қайд этиб келинмоқда. Ушбу сана Навоийнинг Абдурахмон Жомийга расмий равишда мурид тушган ва суфийлик тариқатига кирган йил сифатида ҳам зикр этилган. Мутафаккирнинг ўзи ва, ҳатто, замондошлари бу борада аниқ фикр билдирмай ўтиб кетганликлари бизни ушбу масала устида тадқиқот олиб боришга ундади. Шу жараёнда илк навоийшуносларимиз келтирган далил-асослар юзасидан баъзи бир мулоҳазалар туғилди. Навоийнинг

сарой хизматидан истеъфога чиқишининг аниқ сана билан белгиланиши дастлаб рус шарқшуноси В.В.Бартольд томонидан қайд этилган. У ўзининг "Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт" асарида "Жомий сўзларига кўра, Навоий нақшбандияни чуқур ўргангач, 881 (1476-1477) ўз хоҳиши билан обрў ва эътибордан воз кечиб (амирлик назарда тутилмоқда - Ш.С.), фақр йўлига кирди"<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

20-50-йиллар ўзбек навоийшунослари ишларида бевосита Бартольдга суянилмасдан, шоир ҳаётига оид бошқа манбаларга мурожаат қилинган бўлса-да, моҳиятан унинг қараши тасдиқланган. Жумладан, Олим Шарафиддинов ўзининг "Алишер Навоий" тадқиқотида шундай ёзади: "... (Алишер Навоий) сарой иғволарига, адолатсизликка қарши нафрат сифатида 1476 йилда истеъфо бериб, вазирликдан бўшаб олди. Вазирликдан бўшаб олиш, Алишер учун бутунлай сиёсий ишлардан чекиниш демак эмасди. У

бундан кейин ҳам мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ишларида жиддий қатнашади ва муҳим ишлар қилади. Фақат у бу муддат ичида ҳеч қандай ҳукуматнинг расмий мансабини қабул қилмади"<sup>2</sup>. У қуйидагиларни бунга далил сифатида келтиради: "Алишер Навоий бу даврда буюк шоир Абдурахмон Жомийга бағишлаб,



"Тухфат ул-афкор" (1476) номли форсча бир қасида ёзади. Унда шоирнинг подшо ва унинг саройига қарши нафрати жуда очик ифодаланган. Бу қасидага қойил қолган Абдурахмон Жомий унга жуда юқори баҳо берган эди. Бу қасидани "Тоziёна", яъни "қамчи" деб атаган эди. Алишерга ёзган мактубида қасиданинг мазмуни тўғрисида шу сўзлар бор:

- Қасиданинг мазмунидан шу маълум бўладики, сиз зоҳирий кўринишлардан, подшо саройидан қочмоқчисиз? Сизнинг бу иродангиз шукур қилишга лойиқдир..."<sup>3</sup>.

Мушоҳада қилинганидек, О.Шарафиддинов "Тухфат ул-афкор" борасидаги Жомий фикри ва қасида яратилган йил асосида Амир Алишернинг истеъфоси бўйича қатъий ҳулоса ясаган.

Шу даврда С.Айний томонидан

яратилган "Алишер Навоий" номли тадқиқотда (1948) О.Шарафиддинов фикри ривожлантирилиб, "Тухфат ул-афкор"даги маълумот такрорланади, аммо яна бир қўшимча асос билан бойитилади. Чунончи, "Хамсат ул-мутаҳаййирин"дан яна бир хотира лавҳаси уланиб, қуйидаги яхлит "эпизод" яратилади: "Бу воқеадан кўп

ў т м а й  
(О.Шарафиддинов талқинидаги қ а с и д а воқеасидан сўнг-Ш.С.) Алишер Ж о м и й н и н г р у х с а т и н и олмасдан, ҳукумат ишидан истеъфо беради. Унинг бу ишга, яъни амалдорликдан и с т е ъ ф о беришига Жомий қ а н д а й қараганини у "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да қуйидагича қайд қилади: "Алар (Жомий-Ш.С.) Макка сафаридан қайтиб, шаҳрға келганда, подшоҳ

рўзгор ҳаводиси иқтисосидин Балх юришига бориб эрдилар. Чун ҳумоюнроётким, Балхдин қайтиб тахтга озим бўлдилар, истиқбол расми ила Мурғоб вилоятига келиб эрдилар. Подшоҳ била мулоқотдин сўнгра бандахонаға ташриф келтуруб, кеча анда бўлдилар... Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳийликдин мутанаффир бўлуб, маносибни тарк қилиб, мулозаматни ўксутуб эрдим. Алар танбеҳ ва насиҳат юзидин сурдиларким:

- Бу навъ амре масмуъ бўлди, бу жиҳат на эрди эркин?

Фақир дедимким:

- Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлуб эрдим, бу ишга боис ул бўлди..."<sup>4</sup>.

Шунингдек, рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс ҳам ўзининг "Навоий" монографиясида мавзу тақозоси

туфайли ушбу масалани четлаб ўтолмаган. Аммо у Навоийнинг айнан 1476 йилда истеъфога чиққанлиги ҳақида очиқ фикр билдирмаган<sup>5</sup>.

Яна бир бор эслатиш жоизки, мазкур қарашларнинг илмий таомилга киритилиши замонавий навоийшуносликнинг илк даврлари - 20-40 йилларга тўғри келиб, Навоийнинг илк юбилеи арафасидаги шошилинч тадбирлар жараёнида содир бўлган. Шу жиҳатдан устоз навоийшуносларимизнинг хизматларини заррача камситмаган ҳолда, улар келтирган асослар устида мулоҳаза юритиб кўришга эҳтиёж бор кўринди.

В.В. Бартольд учун асос бўлган Абдурахмон Жомийнинг сўзлари унинг "Нафаҳот ал-унс" деб номланган машойихлар ҳақидаги тазкираси дебочасида келтирилган бўлиб, муаллиф асар яратилишига сабаб бўлган омиллар устида тўхталар экан, ёзади: "Дар таърихи санаи аҳади ва саманин ва саманмиа, муҳибби дарвишон ва муътақиди эшон, он ҳама аз шуғл сер ва бар фақр далер - Низомиддин Алишер, ки ба тўъу ихтиёр аз олий маротиби жоҳ ва эътибор эъроз намуда ва ба қадами таслим ва ризо бар сулуки жодаи фақру фано иқбол фармуда, аз ин фақир мисли он сурате, ки бар дил гузашта буд ва дар хотир мутамаккин гашта, истидъо кард"<sup>6</sup>.

Мазкур иқтибос маъноси машҳур рус олими томонидан бирёқлама тушунилган дейиш мумкин. Қуйидаги таржима ўз вақтида Бартольддан айнан ўзбекчалаштирилган бўлиб, Навоий ҳақидаги кейинги деярли барча тадқиқотларда худди шу тарзда учрайди: "881 йилда дарвишлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма машғулотдан тўқ, фақирлик йўлига ботир амир Низомиддин Алишер (бу киши ўз хоҳиши ва ихтиёри билан даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан бет қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирлик ва фонийлик йўлини қабул қилган)", бу

фақирдан кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди"<sup>7</sup>. Таржима бу тарзда ўтирилмасдан, балки "Дарвишлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма (дунёвий) машғулотлардан тўйган, фақр йўлига ботирларча отланган, ўз майлу ихтиёри билан қадр эътиборнинг олий мартабаларидан воз кечган ва таслиму ризо қадами билан фақру фано йўлига юзланган Амир Низомиддин Алишер 881 йилда бу фақирдан кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди" тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин эди. Жомий жумласига синчиклаб қаралса, унда адиб сажъ усулини қўллаш ниятида иншо санъатида маъмул бўлган усул - сифатдошлар билан ифодаланган аниқловчиларни уюштириб келтиришдан фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади. Қаранг: "муҳибби дарвишон-муътақиди эшон" (дарвишларга севимли бўлган - улар эътиқод қўйган), "аз шуғл сер-бар фақр далер" (дунёнинг ишидан тўйган - фақир бўлишдан қўрқмаган) ва шунга монанд "эъроз намуда-иқбол фармуда" (юз ўтирган-юз қаратган). Шунингдек, салтанатдаги обрў - эътибордан воз кечмоқ ва фақру фано томон юзланмоқ дейилиши ҳали салтанатдаги мансабдан расман истеъфо берди, дегани эмас. Шунга биноан, Жомий бу жумлада "расмий равишда фақру фано сулукини қабул қилди" маъносини ифодаламаётганлиги ҳам равшан бўлади. Шу нуқтаи назардан қаралса, Жомий "Нафаҳот ал-унс"нинг дебочасида шу даврда, яъни ҳижрий 881/1476 милодий йилга келиб, "фақру фано" сулукига, Навоийнинг мойиллиги даражаси жуда баланд бўлганлигини назарда тутган, дейиш мумкин. Ундан ташқари, Жомийнинг ҳижрий 881 йил санасини келтиришдан мақсади мазкур китобнинг яратилиш гоёси туғилган пайтга эътиборни қаратиш бўлган бўлиб, унинг Навоий истеъфосига алоқаси йўқ. Аммо, сўзсиз, бу сана ўша

даврлардаги Навоий кайфияти ва дунёқарашини аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга ва шу маънода Е.Бертельснинг, гарчи у юқоридаги сана ҳақида бирор-бир қатъий фикр билдирмаган бўлса-да, Навоий руҳиятидаги ўзгаришлар ҳақидаги хулосалари ўз илмийлиги билан бутун ҳам муҳимдир.

Олим Шарафиддинов келтирган матн-иктибосларни ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати бор. Фикри ожизимизча, О.Шарафиддинов "Тухфат ул-афкор" билан боғлиқ хотира-лавҳада Абдурахмон Жомий фикрларини юзакироқ изоҳлагандек кўринади. Асл матн қуйидагича: "Ба тозаги қосиде расид ва қасидаи тозае расонид... Аз фаҳвои он чунон маълум шуд, ки хидмати эшонро иродати иқбол бар қиблаи мақсуд ва эъроз аз намудҳои бебуд мутааккад шуда..."<sup>8</sup>.

Ушбу иқтибосда қуйидаги маъно мавжуд: "Мазмундан маълум бўлдики, ул кишида (Навоийда-Ш.С.) мақсуд қибласига юз буришга (яъни фақр тариқатига) ва асосга эга бўлмаган (яъни фоний дунё лаззатлари-Ш.С.) кўринишлардан юз ўгиришга қатъият ҳосил бўлмиш".

Иккинчидан, Жомийнинг Навоийга нисбатан айтилган "хидмати эшонро", яъни мажозий тарзда "ул киши қошларида" деб тушунилиши лозим бўлган ибора сўзма-сўз ўгирилиб "у кишининг хизматларини" тарзида подшо мулозаматига тааллуқли қилиб юборилган.

Учинчидан, О. Шарафиддинов мактубнинг кейинги қисмидаги фикрни ҳисобга олмаган. Унда Жомий шундай давом этади: "Аммо агар чунончи дар тағйири умури суvari ва тарки иштиғоли ғайри зарури, чун мулойими мизожи азизон нест, муболаға наравад ва дур наменамояд, ҳеч жо нест, ки мақсуд зоҳир нест ва жамоли зуҳурашро камоли зуҳур сотир не". (Таржимаси: "Аммо зоҳирий ишларни ўзгартиришга ва ҳожатдан ташқари машғулотларни тарк қилишга кўп ҳам ҳаракат қилинмасаки, бу азизлар мижозига мувофиқ эмас. Ва узоқ эмас ва ҳеч жой йўқки, мақсад юз кўрсатмасин, шунингдек, кўринувчи

жамоли (яъни Оллоҳ жамолини-Ш.С) кўринувчи камол (яъни инсон камолоти, бу ерда Навоий камолотига шаъма қилинмоқда-Ш.С.) бекитувчи эмас".) Бу ерда Жомий давлат ишлари инсон руҳий камолоти масалаларига ров бўла олмаслигини таъкидламоқчи бўлган ва Навоийни давлат ишларидан истеъфо бериш ниятидан қайтарган.

С. Айний хулосаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у икки хотира-лавҳани бир-бирига улашда эътиборсизлик оқибатида уларнинг бошқа-бошқа даврларга тааллуқли эканлигини ҳисобга олмаган ёки тузум манфаатларига мос келишини ўйлаб, атайин шундай йўл тутган. Чунки "Тухфат ул-афкор" қасидаси билан Жомий мактуби ҳижрий 880 (1475-1476) йилда ёзилган бўлиб, Навоий (подшоҳ ила Марвга қишлоғга борганда) билан Жомий ўрталарида содир бўлган ёзишмаларга тааллуқлидир. Иккинчи лавҳа эса Жомийнинг Макка сафаридан ва Хусайн Бойқаронинг Балх юришидан қайтган маҳалида юз берган. Е.Э.Бертельснинг "Рашаҳот"га суяниб ёзиши бўйича, Жомий 1472 йил ҳажга борган ва бу сафарга бир ярим йил вақт сарф бўлган<sup>9</sup>. Бу ҳолатда ҳам С.Айний фикри тарихий воқеликка тўғри келмайди. Кузатишлар шуни маълум қилдики, В.Бартольд томонидан "Навоий-шоҳ" зиддиятини кўрсатиш учун "истеъфо" талқинини ривожлантириш йўлида ташланган "уруғ" О.Шарафиддинов ва С.Айнийни шу йўналишда янги материаллар топишга ундаган. Улар Навоийнинг истеъфосига асос сифатида "Хамсат ул-мутаҳаййирин"дан мисоллар келтириш орқали бу талқиннинг фанда янада қатъийлашишида муҳим роль ўйнадилар.

Улуғ шоир даврига мансуб манбаларга холис назар ташлаганда, шуни кўриш мумкинки, Алишер Навоийнинг амирик вазифасида қанча вақт ишлагани, қачон ва нима учун истеъфо берганлиги ҳақида аниқ маълумот ҳозирча йўқ. Биз фақатгина

Навоийнинг 1487 йилда Астрободга жўнатилиши баёнида келтирилган Бурҳониддин Атоуллоҳнинг "таърих"идаги ишорадан Алишернинг қачондир амирликдан истеъфо берганлигини ва маълум муддат ўтгач Астрободга юборилиши муносабати билан яна давлат ишига қайтганлигини биламиз, холос. Таърих қуйидагича:


Он Амир Низомиддин Алишер  
Авсоф берун зи ҳадди тақрир.

Чун қард қабул боз аморат  
Таърихе шуд "аморати Мир"<sup>10</sup>.

Учинчи мисрада ишора этилган "яна амирликни қабул қилди" иборасидан таърих моддасида кўрсатилган 1487 йилда у қайтадан амирликни қабул қилгани англашилади. Манбаларда Навоийнинг амирлик лавозимини илк марта 1472 йилда эгаллагани аниқ кўрсатилган. Демак, 1472-1487 йиллар оралиғида амирликдан бўшаганлиги маълум бўлади. Бироқ бу санани 1476 йил сифатида қатъийлаштириш унча тўғри бўлмаса керак.

Нисбатан аниқроқ санани белгилашга ёрдам берадиган энг муҳим манба улўғ давлат арбобининг "Вақфия" асари эканлигини таъкидлаш лозим. Маълумки, бу асар ҳижрий 886 (1481-1482) йили ёзилган. Унинг дебочасида муаллиф уни ҳажга юбориш ва давлат ишларидан озод этиш ҳақидаги икки илтимос билан мурожаат этади. "Вақфия"нинг ўша йилда султонга тақдим этилгани ҳисобга олинса, 1481 йилгача Навоий амирлик лавозимида ишлаб турган бўлиб чиқади. Тарихий асарлардан бизга маълумки, Султон Ҳусайн Амир Алишернинг ҳажга боришига рухсат бермаган. Мантиқ нуқтаи назаридан қаралса, Ҳусайн Бойқаро шоҳлик расми бўйича бахшида этилган китобнинг мукофотига ҳар иккала илтимосни ҳам қондириши лозим эди. Демак, султон ҳажга рухсат бермагани баробарида унинг фақат бир илтимосини бажарган бўлиши,

яъни истеъфосини қабул қилган бўлиши керак. Чунки Навоий истеъфосидан мақсад - "Султон Ҳусайн номини тарих зарварақларида қолдириш нияти"да шоҳ асарлар яратиш эканлигини таъкидлаган. Шу жиҳатдан у дебочада асосий эътиборни ижодий режаларга қаратади ва санъатсевар подшо қалбининг нозик торларини чертади. Дарҳақиқат, шу даврлардан эътиборан буюк "Хамса"ни ёзишга киришганлиги истеъфоси шоҳ томонидан расмий равишда қабул қилинган деган фикрга олиб боради. Аммо Навоий амалда давлат хизматидан тўлиқ бўшай олмаган кўринади. "Хамса" дostonларида шу кайфиятни ифодаловчи ўринлар мавжудлиги шундан далолат беради. Бироқ Навоий Ҳамса ёзиш учунгина давлат ишларидан истеъфо берганми? Биз бу масалада устоз



навоийшуносларимизнинг улўф мутафаккирнинг фақр ва қаноат тариқига берилганлиги хусусидаги фикрларини тўла маъқуллаймиз ва яна бир далил билан ўз мулоҳазаларимизни якунлаймиз. Истеъфонинг асл сабабини Навоийнинг ўзи кўрсатиб кетган, деб айтиш мумкин. Бу "Вақфия" муқаддимаси охирида келтирилиб, тўрт ният ифодаланган рубойларнинг биринчисида ўз аксини топган. У қуйидагича:

Олам ишидин мени малул эт, ё раб,  
Фақр эмгаги тортарға ҳамул эт, ё раб.  
Бу ишки, сенинг ризонг учун  
қилмишмен,  
Ҳам айни ризо била қабул эт, ё раб.

Биринчи мисрада шоир Оллоҳдан ўзини дунё ишларидан малул этмоқни, яъни безор қилишни (дуғавий маъноси ҳайф, таассуф, зиқ бўлмоқ ва ғамгин бўлмоқни билдиради), иккинчи мисрада эса фақр машаққатини кўтарувчи ҳаммол этишни сўрамоқда. Демак Навоий айни шу даврга келиб ўз ҳаётини фақр тариқати билан боғлашга ва қолган умрини тоат-ибодат, охират арконларини бажариш ҳамда ижод билан шугулланишда ўтказишга қарор қилган. Рубойнинг учинчи мисрасида бу қарор Оллоҳ ризолиги йўлида қилинаётганлиги айтилгани ҳам шубҳага ўрин қолдирмайди. Демак, Навоийнинг бутун

мол-мулкани вақф этиш ва истеъфо сўрашдан асл мақсади борлиги ҳам маълум бўлади. Бу ўтган тўрт-беш йил ичида тасаввуф таълимоти таъсирига бениҳоя берилган Амир Алишернинг бу сулуқдаги биринчи қадами - мансаб ва жоҳ қуршовидан қутулиб, фақр либосини кийиш эди. Бироқ, султоннинг унга суяниб қолганлиги вазидан бу ниятни унга ошкор қилмоқ, ижобий натижадан умид узмоқ билан баробар ва ҳаж сафари рад этилгандек, қаршиликка учраши табиий эди. Шу ерда биз Алишер Навоийнинг истеъфо сўрашда жуда нозик йўл топганигини кўрамиз. Эътиборингизни шунга қаратмоқчимизки, истеъфо масаласида шоҳга ошқора равишда 1481-1482 йилда мурожаат қилинмоқда. Демак, Навоийнинг 881 ҳижрий, яъни 1476 милодий йилида давлат ишларидан расмий истеъфо бергани ҳақидаги хулоса қайта кўриб чиқилса тўғри бўлади. Шунингдек, "истеъфодан сўнг Навоий тасаввуф тариқатига кириб, Жомийга расман мурид тушди" каби ўз вақтида қайд этилган шошилинч хулоса ҳам бутунги кунда мунозарали эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Мазкур таҳлиллар Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина ўринлар қайта кўриб чиқишга муҳтож эканлигини ҳам кўрсатади.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Мир Али Шер и политическая жизнь: Соч. в IX томах. - М.: Наука, ГРВА, 1964. - II том, часть 2, стр. 235.

<sup>2</sup> О.Шарафиддинов. Алишер Навоий. Тошкент, 1971, 66-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> С.Айний. Навои. Куллийет. 15-жилд, 1985, саҳ. 306.

<sup>5</sup> Бертельс Е.Э. Навои и Джами: Избр. труды. - М.: Наука, ГРВА, 1965, стр. 118.

<sup>6</sup> Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. ЎзФАШИ, инв. 5149, 2а-вар.

<sup>7</sup> Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Тўплам. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент, Фан, 1966, 136-б.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин: Асарлар. XV жилдлик. -Т.: Ф.Фуллом, 1967. - XIV жилд. 31-б.

<sup>9</sup> Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Стр. 235.

<sup>10</sup> Гиёсиддин б. Ҳумомиддин (Хондамир). Равзат ус-сафо. Босма. Лакнав. XIX аср. -VII жилд. 36-бет. Ушбу асарнинг олти жилди Мирхонд томонидан ёзилган. - таҳр.